

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 2 (3) 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 2 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

**Юлдашев Анвар Эргашевич** – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Мавланов Уктам Махмасабирович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Хазраткулов Аброр** – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

**Ҳакимов Назар Ҳакимович** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Яхшиликков Жўрабой** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

**Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич** – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

**Ҳошимхонов Мўмин** – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

**Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна** – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич** – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

**Кўчимов Шухрат Норқизилович** – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

**Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна** – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

**Кучкаров Раҳман Урманович** – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

**Юнусов Мансур Абдуллаевич** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Саидов Улугбек Арипович** – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **ЮРИДИК ФАНЛАР:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Эсанова Замира Нормуратовна** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

**Зулфиқоров Шерзод Хуррамович** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

**Хайитов Хушвақт Сапарбаевич** – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Асадов Шавкат Ғайбуллаевич** – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович** – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

### **ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

**Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

**Ибрагимова Гулнора Хавазматовна** – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

**Закирова Феруза Махмудовна** – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

**Тайланова Шоҳида Зайниевна** – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Каримова Васида Маманосировна** – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич** – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

**Умарова Навбахор Шокировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

**Атабаева Наргис Батировна** – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

**Қодиров Обид Сафарович** – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

**Сеитов Азамат Пўлатович** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

**Содиқова Шоҳида Мархабоевна** – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **СИЁСИЙ ФАНЛАР**

**Назаров Насриддин Атақулович** – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

**Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич** – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

#### **Электрон манзил:**

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Полвонов Козимбек Наимович*

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1970-2022 йиллар) ..... 7-13

*Махмудова Азизахон Носировна*

ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ  
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ..... 14-21

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Kurpayanidi Konstantin Ivanovich*

MODERN DIGITALIZATION: PRIORITIES AND PROSPECTS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC  
TRANSFORMATION ..... 22-28

*Паязов Мурод Максудович*

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ АСОСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР ..... 29-37

*Шохўжаева Зебо Сафоевна*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВТЕЖАМКОР СУФОРИШ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ ..... 38-45

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna*

INSON KAPITALI RIVOJIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR ..... 46-50

*Элбоев Бобур Ботирович*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БАНК КАФОЛАТИ ВА  
ЗАХИРА АККРЕДИТИВНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ..... 51-60

*Ermatov Akmaljon Akbaraliyevich*

O'ZBEKISTONDA MOLIVAVIY BOSHQARUV TIZIMINI RIVOJLANTIRISH ..... 61-68

*Абдуқулова Дилноза Абдукадировна*

АГРАР СОҲА ЎСИШИНИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ  
СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ..... 69-74

*Qudbiyev Nodir Tohirovich, Tojimatov Abdumutalibjon Abduqayumovich*

KORXONALARNING TIJORAT BANKLARI BILAN O'ZARO MUNOSABATLARI TIZIMINI  
TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI ..... 75-84

*Rasulova Shaxnoza Xatamovna*

XARAJATLAR HISOBINI TASHKIL ETISH VA TASNIFLASHNING IQTISODIY ANAMIYATI ..85-93

*Болтаев Нурали Шираматович*

АГРАР ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КАДРЛАРНИ МЕҲНАТ  
БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ ..... 94-103

**09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ***Tulaganov Muminjon Taxtamuratovich*JAMIYATDA FUQAROLARNING HUQUQIY -SIYOSIY ONGINING YUKSALTIRISHDA  
ETNOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....104-109*Aripov Alisher Abdumalikovich*YOSHLAR MA'NAVIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MILLIY VA DINIY BAG'RIKENGLIKNING  
O'RNI .....110-117*Xabib Sattorov*

TASAVVUF TA'LIMOTIDA SHARIAT, TARIQAT, MA'RIFAT, HAQIQAT BOSQICHLARI .....118-123

*Турсинбой Султонов*

ИСТЕЪДОДНИНГ ИККИ МУҲИМ ТОМОНИ .....124-132

*Сафаров Улуғбек Турсунович*

МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....133-138

**10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***Бектурсынова Айсултан Марат кызы*М.М. БАХТИН КАК ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ЯЗЫКОВАЯ ЛИЧНОСТЬ УЧЕНОГО-ФИЛОЛОГА  
ФИЛОСОФСКОГО ТИПА .....139-145*Назарова Сайёра Азимжановна*ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРИХИЙ  
БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....146-151*Isroilova Manzura Jamolovna*BOSMA NASHRLARDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK  
TRANSFORMATSIYASI .....152-156**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР***Утемуратов Махмут Ажимуратович*ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ ВА ҲУҚУҚИЙ  
ИДЕАЛИЗМНИНГ ТАЪСИРИ .....157-162*Узакова Гўзал Шариповна*БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ҚАШШОҚЛИК ВА ОЧЛИКНИ  
ТУГАТИШ, СОҒЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....163-175*Abdixakimov Islombek Bahodir o'g'li*

SUG'URTA FRANSHIZASI VA UNING TURLARI HAQIDA .....176-180

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Мамадалиева Нилуфар Баҳодировна*ЎҚУВ ФАНЛАРИ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШ ОРҚАЛИ БОШЛАНҒИЧ  
СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ НУТҚ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....181-185



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари. -2023. -№ 2 (3).  
ISSN: 2181-1342 (Online)  
<https://scienceproblems.uz>

07.00.00-Тарих фанлари

**Махмудова Азизахон Носировна**  
Фарғона политехника институти

**ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИК СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИДА  
Р. Х. СУЛЕЙМАНОВ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда палеолит даврини ўрганишга қаратилган илмий изланишларнинг ривожланиши ва тизимли тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши жараёнлари ёритиб берилган. Соҳанинг ривожланиш босқичлар ва омиллари, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда унинг сабаблари таҳлил қилинган. Соҳа тараққиётида Р. Х. Сулейманов тадқиқотларини аҳамиятига алоҳида урғу берилган.

**Калит сўзлар:** Ўрта Осиё, тош даври, ўрта палеолит, Оби-Рахмат, Р. Х. Сулейманов, археология, тарихшунослик.

**Махмудова Азизахон Носировна**  
Ферганский политехнический институт

**РОЛЬ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ДЕЯТЕЛЬНОСТЕЙ  
Р. Х. СУЛЕЙМАНОВА В РАЗВИТИИ ПАЛЕОЛИТОВЕДЕНИЕ.**

**Аннотация.** В данной статье описывается развитие систематических научных исследований в археологии каменного века в Узбекистане. Анализируются этапы и факторы развития, существующие проблемы и недостатки, а также их причины. Особо уделяется внимание важности исследований Р. Х. Сулейманова.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, каменный век, средний палеолит, Оби-Рахмат, Р. Х. Сулейманов, археология, историография.

**Makhmudova Azizakhon Nosirovna**  
Fergana Polytechnic Institute

**ROLE OF RESEARCH ACTIVITIES R. KH. SULEYMANOV  
IN THE DEVELOPMENT OF PALEOLITHOLOGY**

**Abstract.** This article describes the development of systematic scientific research in the archeology of the Stone Age in Uzbekistan. The stages and factors of development, existing problems and shortcomings, as well as their causes are analyzed. Particular attention is paid to the importance of R. Kh. Suleymanov's research

**Key words:** Central Asia, Stone Age, Middle Paleolithic, Obi-Rakhmat, R. Kh. Suleymanov, archeology, historiography



<https://doi.org/10.47390/1342V3I2Y2023N2>

Ўзбекистон палеолитида тизимли тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши ўзининг деярли бир асрлик тарихига эга. Тош даври археологиясини ўрганишдаги кескин ўзгаришлар ҳам айнан 1930-йиллар ўрталаридан кейин, кенг қўламли дала тадқиқотлари натижасида содир бўлди. Бу вақтда асосий эътибор ёдгорликларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва тизимлаштиришга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда дала қидирув ва ёдгорликларни хариталаштириш ишлари йирик ёки йўқолиб кетиш хавфи мавжуд бўлган ёдгорликлар атрофида олиб борилди. 30-йилларгача бўлган даврда Ўрта Осиё ҳудудида деярли палеолит даврига оид ёдгорликлар аниқланмаган эди. Буни йирик археологик кашфиётларни диққат билан кузатиб борган рус археологи А.А.Спицыннинг маълумотларидан ҳам кўриш мумкин. Унда 1930-йилгача бўлган вақтда Ўрта Осиё ҳудудида қадимги давр билан боғлиқ ёдгорликлар сифатида неолит ва бронза даврига тегишли бор-йўғи бир нечта алоҳида топилмалар эслатиб ўтилади[17;10-б.]. Умуман, то 30-йиллар ўрталаригача бўлган давр тадқиқотларида тош даври археологияси фақат алоҳида тасодифий топилмаларни тўплаш билан чегараланган. Лекин мазкур ишларнинг тош даври археологиясини ривожланишида аҳамияти ўта муҳим бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида қадимги давр ёдгорликлари мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлар шаклланмоқда эди. Мазкур йиллар давомида тўпланган тош даври коллекцияларидан геолог А.Ф.Соседко томонидан 1930-йилда Қизилқум ҳудудидан топилган топилмалар диққатга сазовор.

Тош даври археологиясида тизимли тадқиқот ишларини ташкил этиш учун 1938-1939-йилларда Тешик-тош ғор маконини топиб ўрганилиши асос бўлиб хизмат қилди. Тешик-тош ёдгорлигида олиб борилган қазилма ишлари бу ерда маданий қатламга эга ўрта палеолит даври ёдгорлиги мавжудлигини кўрсатди. Ёдгорликда тош буюмлар билан бирга 8-9 ёшлардаги неандертал бола суяк қолдиқлари ҳам аниқланди. Хулосаларнинг яна бир аҳамиятли томони ибтидоий давр ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумотларнинг қўлга киритилганлигида эди. Аниқланган антропологик топилма маълум бир диний маросимлар билан боғлиқ ҳолда кўмилган бўлиб, ушбу ҳолат қадимги диний тушунчалар ҳақида бир қатор илмий тахминларни илгари суриш имконини берди.

Тешик-тош ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар тош даври археологиясини ўрганиш борасидаги дастлабки комплекс тадқиқотларга мисол бўла олади. Тадқиқот ишида ўрта палеолит даври жамоаларининг моддий маданияти, маданият соҳибларининг жисмоний типи, диний дунёқараши ҳақида маълумотларни қўлга киритиш билан бирга улар яшаган давр иқлими ва табиий шароити, ҳайвонот олами, хўжалиги ҳақида ҳам маълумотлар тўпланди.

Палеолит даври ёдгорликларини тадқиқ этишда даврий нуқтаи-назардан ёндашиш имконини берувчи ёдгорлик Самарқанд манзилгоҳи бўлиб, у Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган. Ёдгорлик 1939-йилда Н. Г. Харламов томонидан топилди. Тешик-тош ва Самарқанд манзилгоҳида олиб борилган изланишлар палеолит даври ёдгорликларини даврий ва маданий ривожланиш нуқтаи-назаридан таққослаш имконини берди.



Худудий ва даврий жиҳатдан умуман фарқли хусусиятларга эга ёдгорликларни аниқлаш ва тадқиқ этиш ишлари С. П. Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедициясини 1939-йиллардаги тадқиқотлари билан боғлиқ. Ушбу тадқиқотлар натижасида неолит даври манзилгоҳи Жонбасқала-4 аниқланди. Аниқланган ёдгорлик неолит даври калтаминор маданиятига мансуб бўлиб, ўзида ушбу давр жамоалари ижтимоий-маданий ҳаёти ва турмуш тарзини тўлиқ намоён қилар эди. Қатор йиллар давомида олиб борилган қазув ишлари натижасида калтаминорликларнинг ёғоч ва қамишдан қурилган йирик уй-жой қолдиғи топилди. Жонбасқала худудида яшаган ибтидоий жамоалар тош индустрияси микролит қуроллар тайёрлашга асосланган эди.

Тош даври ёдгорликларини тизимли равишда ўрганиш ишларида иккинчи жаҳон уруши туфайли бироз тўхталишлар юзага келди. Тадқиқот ишлари яна алоҳида ёдгорликларни қайд этишдан иборат бўлди. Жумладан, 1942 йилда геолог Р. В. Смирнов ва 1945 йилда В. Попондипуло томонидан Пском воҳаси худудидан тош қуролларни топилган. Уларнинг орасида тиғи ретушланган тош қуроллар мавжуд бўлган[1;8-б.]. Мазкур топилмани Д. Н. Лев ташқи белгиларига асосан мустье даврига оидлигини эътироф этиб, уни Тешиктош ва Омонқўтон ғор маконларидан топилган қирғичлар билан ўхшашлигини таъкидлаган [8;17-18-б.]. Кейинчалик М. Р. Қосимов бу қуролларнинг ясалиш усулига кўра мустье даврига оид Кўприкбоши макони тош қуроллари индустрияси яқинлиги таъкидлаган [3; 51-52-б.]. Шунингдек, 1942 йил Қуйи Бўзсув Гидроэлектр станциясининг қурилиши давомида инженер Н. М. Соколов томонидан бир қанча тош қуроллар (Бўзсув 1 ва Бўзсув 2) аниқланган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин тадқиқот ишларидаги турғунлик ҳолати йўқолди. Ўрта Осиёнинг бутун худудини қамраб олган йирик экспедициялар қайта ташкил этила бошланди. 1945-йилдан С. П. Толстов Хоразм археология-этнография экспедицияси ўз ишини қайта бошлади. 1950-йиллардан Я. Ғ. Ғуломов ва В. А. Шишкин раҳбарлигидаги Ўз ССР ФА тарих ва археология институтларининг Ўзбекистон экспедицияси ҳам ташкил этилди. Ушбу экспедициялар фаолиятида маълум бир ёдгорликларда доимий тадқиқот ишларини олиб бориш билан бирга дала қидирув ишлари ҳам амалга оширилган. Бу экспедициялар аввал ўрганилмаган йирик худудларни тадқиқ этишга йўналтирилган эди. Археологик ёдгорликларни худудий жиҳатдан тадқиқ этиш турли даврларга тегишли ёдгорликларни комплекс тадқиқ этиш имконини яратди. Улар томонидан палеолит давридан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган ёдгорликлар аниқланиб ўрганилди. Комплекс тарзда ўрганиш ёдгорликларни тарихий-археологик жиҳатдан гуруҳларга тақсимлаш ва даврлаштириш имконини берди.

Тош даври археологиясидаги тадқиқотларнинг бир қисми республика жанубий ва марказий худудларидан шимоли-шарқий қисмига ҳам кўчди. Бу жараён айниқса XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб яққол кўзга ташлана бошлайди. 1954 йилда А. В. Головченко ва О. И. Исломовлар Янгийўлдан 10-12 км. шимоли-ғарбда қадимги Бўзсув канали бўйида Шўралисой 1 топилмажойини аниқлашади. Ушбу топилмажой 1942-йилда геолог Н. М. Соколов томонидан аниқланган Бўзсув 2 макони эди. Бўзсув 2 ёдгорлиги 1956 йилда А. П. Окладников томонидан ўрганилди[13;51-60-б.].

1958-1959 йилларда Х. К. Насриддинов Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида бир нечта топилмажойларда мустье даврига оид тош қуролларини топишга муваффақ

бўлган.1959 йилда мазкур отряд ходимлари П. Т. Коноплей ва М. Брилянт Хумсон-Хўжакент, Угам, Биричмулло қишлоғи атрофи, Обирахмат, Юсуфхона ва бошқа яқин атрофдаги жойларда археологик текшириш ишларини олиб бориб, мустье даври белгиларига эга бўлган ўттиздан ортиқ тош қуролларни териб олишга мувоффақ бўлган[10;68-75-б.]. Айниқса, Кўксув дарёсининг Чотқол дарёсига қуйилиши яқинидаги жой Кўприкбошидан 32 дона турли хил қуроллар топилган[15; 46-48-б.].

1958-1960 йилларда ЎзРФА Тарих ва археология институти археологик отряди Тошкент шаҳридан ғарбда жойлашган Шоимкўприк (Бўзсув 1) ва Бўзсув 2 маконларида тадқиқот ишларини амалга оширди[2; 38-45,60-65-б.].

1960-йилда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида Я. Ғ. Ғуломов бошчилигида Эшак-Кўприк, Одам-Санг, Лайлакчи, Оқ-Тош ва бошқа бир қатор ғор ва унгурлар ўрганилиб, уларда тош даврининг турли босқичларига оид топилмалар топилди. Шу йили Кўксой тоғи тизмасининг Қоратутбоши тармоғи ёнбағрида М. Р. Қосимов ва А. Р. Мухаммаджоновлар томонидан Тусье ёдгорлиги аниқланди. Тусье ёдгорлиги мустье даврида хом ашё қазиб олинган ва тош қуролларига бирламчи ишлов бериш жойи вазифасини бажарган [6; 19-б.].

1962 йилда ЎзРФА Тарих ва археология институти Бўстонлиқ археологик отряди А.Р. Мухаммаджонов бошчилигидаги Чирчиқ дарёсининг юқори оқими ҳудудида қидирув ишларини олиб бориб, Оқтош, Худайдод Вали I-IV, Тўдахотин, Захсой ва Обирахмат каби бир нечта палеолит даври ғор ва очик жой маконларни топишган [11;21-27-б.].Мазкур тадқиқот ишлари даврида, яъни 1962 йилнинг баҳорида Чотқол дарёсининг сўл irmoғи, Палтовсойнинг ўнг соҳилида жойлашган Обирахмат ғор-маконида Х.К. Насриддинов томонидан қазилма ишлари амалга оширилди[11; 21-27-б.].

1962 йилида О. М. Растовцев Чотқол тоғининг жануби-шарқий ёнбағридаги Қизилолмасой, Гиштсой, Қорабоғсой ва Самарчук қишлоқларида бир нечта макон ва устахоналарни аниқлаган. 1963 йилнинг апрел-июнь ойлари давомида ЎзРФА Тарих, археология институти ходимлари текшириш ишларини олиб бориб, улардан Кўлбулоқ макони анча истиқболли эканлиги қайд этилган[4; 57-58-б.]. Дастлабки хулосаларга кўра маконда ҳаёт мустье давридан неолит давригача давом этган[5; 326-327-б.].Мазкур отряд томонидан Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида палеоген ва бўр даври ётқизигининг очик манбаларида палеолит даврининг турли босқичларида фаолият олиб борган устахоналар аниқланган[7; 21-27-б.]. Маконлар тош хом ашёси қазиб олинган шахта-конлари ҳисобланган.

XX аср 60-йиллари бошлари ва ўрталарида Н. Х. Тошкенбоев томонидан Қорақамиш ва Қовунчи ҳудудларининг ҳар биридан палеолит даврига оид ўндан ортиқ тош қуроллар териб олинган. Тадқиқотчи тош қуролларни техник-типологик таҳлил қилиб, Кўлбулоқ ва Тешиктош қуроллари билан ўхшашлигини қайд этган[16; 11-15-б.].

Палеолит даври ёдгорликларини аниқлашда Чорвоқ сув омборини қурилиши жараёнида амалга оширилган ишлар алоҳида ўрин тутди. 1963 йили Чорвоқ сув омбори қурилишини бошлаш режаси муносабати билан ЎзРФА Тарих ва археология институти томонидан янги қурилиш ҳудуди ва атрофида жойлашган археологик ёдгорликларни комплекс ўрганиш ва харитасини тузиш мақсадида Чорвоқ археологик отряди ташкил этилади. Айнан мана шу жараёнда амалга оширилган тадқиқот ишлари сув омбори атрофидаги ҳудудларда воҳа тарихий топографияси, ёдгорликлар маданий

қатламларининг шаклланишига оид бой маълумотларни қўлга киритиш билан бирга муҳим кашфиётларни ҳам амалга ошириш имконини берди.

1964 йилда Х. К. Насриддинов Оқтош маконида қазилма олиб бориб, ёдгорликда 5 та маданий қатламни аниқлаган. Маконнинг учинчи маданий қатлампидан топилган 30 дан ортиқ чақмоқтошдан ясалган қуроллар ясашиш усулига кўра сўнгги палеолит даври билан саналанган[12; 55-6.].1964 йилда Чотқол дарёсининг ўнг томонида жойлашган Чотқол ғор макони ўрганилган. М. Р. Қосимов ундан топилган кам сонли тош қуролларининг шакли ва ясашиш усули жиҳатдан Обирахмат ғор-макони тош қуроллари билан ўхшашлигини билдирган[6; 24-б.].

Оби-Рахмат ғорининг кейинги йилларда тадқиқ этилиши Р. Х. Сулейманов фаолияти билан боғлиқ. Ёдгорлик 1964-1965 йилларда Р. Х. Сулейманов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти, археологик отряди томонидан ўрганила бошланди. Тадқиқот ишлари давомида палеолит даври ёдгорликларини ўрганиш кўламининг кенгайиши баробарида тош қуроллар ясашиш техникаси, уларнинг типологиясига оид билимлар янада кенгайди. Амалга оширилган қазилмалар давомида 9 метр қалинликдаги мустъе даврининг якуний босқичидан сўнгги палеолит даврининг илк босқичигача давом этган бешта ярусдан иборат 21 та маданий қатламни аниқлайди[14; 28-73-б.]. Коллекция техник-типологик белгиларига қараб Р. Х. Сулейманов Обирахмат индустрияси мустъедан сўнгги палеолит даврига ўтиш босқичи техникасини намоён қилганлигини таъкидлайди [14;86-б.].Оби-Рахмат ғори ва унинг коллекцияси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё палеолитида кескин бурилиш ясаган тадқиқотларга сабаб бўлди.

Тадқиқотчининг хулосаларига кўра Оби-Рахмат маданияти Яқин Шарқдан Марказий Осиёгача бўлган улкан ҳудуддаги тошга ишлов бериш жараёнида пластинкалар олиш йўналтирилган индустриялар доирасига кирган. Манзилгоҳ индустриясининг техник-типологик белгиларига кўра Оби-Рахмат коллекцияси Ўрта Осиёдаги бир қатор ёдгорликлар билан ўхшаш эканлиги таъкидланди. Биринчи навбатда тош буюмлар коллекцияси Тешиктош, жануби-ғарбий Фарғона адирликларидан топилган топилмажойлар, ҳамда Хўжакент ғор топилмалари билан ўхшашлиги қайд этилди. Шу билан бирга А. П. Окладников ва В. А. Ранов томонидан Қайроқ-қум ҳудудларидан тўплаган коллекция [9; 252-258-б.] ҳам Оби-Рахмат ёдгорлиги индустрияси билан ўхшаш эди. Ушбу ёдгорликлар коллекциялари битта обирахмат маданиятига бирлаштирилиб, ўзида тошга ишлов бериш жараёнининг леваллуа-мустъе хусусиятларини намоён қилган. Ушбу ёдгорликлар коллекцияси таркибидаги ўрта ва сўнгги палеолит белги-хусусиятларининг фоиз кўрсаткичига қараб уларнинг даврий кетма-кетлиги ҳам белгиланган. Даврий кетма-кетликка ажратишда коллекция таркибида пластиналар ва учриндилар фоиз кўрсаткичининг нисбати ҳам ҳисобга олинган. Ушбу кўрсаткичларнинг статистик қиёсий таҳлили коллекциялар таркибидаги тош буюмларда ўрта ва сўнгги палеолит даври белги-хусусиятлари турлича эканлигини кўрсатди. Таҳлил натижасига кўра даврий кетма-кетликда архаик белгилар кўрсаткичи юқори бўлган Тешиктош биринчи, сўнгра жанубий Фарғона топилмажойлари, кейин Хўжакент ғори индустрияси жойлашди. Маданият тараққиёти ушбу кетма-кетликда ривожланиб бориб, унинг сўнгги босқичлари Оби-Рахмат ёдгорлиги топилмалари билан ифодаланган.

Индустриядаги тошга ишлов бериш техникасини ривожланиб боришини нуклеус типлари фоиз кўрсаткичларининг ўзгариб боришида ҳам кўриш мумкин. Жумладан учриндилар олишга мўлжалланган нуклеуслар миқдори камайиб боради. Аксинча призма ҳолидаги пластина олишга мўлжалланган нуклеуслар сони қатламдан-қатламга ошиб боради. Қуроллар таркибида қирғичлар ва ретушланган учриндилар соникамайиб боради. Шу билан бирга пластинкаларнинг тиғини ретушлаш техникаси такомиллашган, тош қуролларининг сўнгги палеолит даврига оид дастлабки турлари пайдо бўлган. Техник-типологик жиҳатдан сўнгги палеолит даврига оид қуроллар ва уларнинг комбинациялашган типларининг фоизи катта кўрсаткичга эга бўлиб боради. Воситачи ёрдамида чақмоқланган узун пластинкалар сўнгги палеолит даври синдириш техникаси вужудга келганлигидан далолат беради. Лекин тош қуролларининг ташқи тузилишида мустъе даври кўриниши сақланиб қолади. Кейинги даврда Обирахмат маданияти учун хос бўлган қўпол ва архаик кўринишдаги йирик тош қуролларни яшаш анъанаси қисман сақланиб қолсада, йўнилғалар олиш техникаси, уларнинг шакллари ва иккиламчи ишлов бериш усуллари такомиллашиб боради. Юқори маданий қатламда сўнгги палеолит даври тош қуроллари сони кўпайиб, мустъе даври қуроллари миқдори камаяди[14; 28-92 б.].

Ўзбекистон ҳудудида 1960-йиллар ўрталаригача бўлган вақтда палеолит даври археологиясини шаклланиши ва тадқиқот ишларининг ривожланиши таҳлили куйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

–1930-йилларгача бўлган вақтда Ўзбекистон ҳудудида палеолит даври ёдгорликлари ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, улар тасодифий топилмалар ҳақидаги қайдлардан иборат эди;

–дастлабки амалга оширилган ишлар топилмажойларни қайд этиш ва улардан олинган коллекцияларни тўплашдангина иборат бўлиб, тадқиқотлар илмий ва назарий жиҳатдан асосланмаган эди;

–фақат 1930-йиллар иккинчи ярмидан ташкил этилган археологик экспедициялар натижасида дастлабки комплекс тадқиқотлар амалга оширила бошланди;

–иккинчи жаҳон урушидан кейин халқ хўжалигини тиклашга қаратилган ишлар натижасида археологик тадқиқотлар кўлами ҳам кенгайди. Соҳада мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

–Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йигирма йилликда палеолит даври ёдгорликлари аниқланган ҳудудлар географияси ва ёдгорликлар сони кенгайди;

Археологиянинг ривожланиш тарихини ўрганишда алоҳида бошқичларни қайд этиш билан бирга соҳа тараққиётига катта хисса қўшган мутахассис кадрлар ўрнини ҳам эътироф этиш мумкин. Бу каби изланишлар алоҳида тадқиқотчилик ишини талаб этади. Жумладан, Ўзбекистонда тош даври археологияси ривожига хисса қўшган йирик олим Р. Х. Сулейманов фаолияти ҳам.Тизимли тадқиқот ишларини ривожланиши ва палеолит даври ёдгорликлари даврий ва маданий мансублиги масаласида Р. Х. Сулеймановнинг Оби-Рахмат ёдгорлигида олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга эди. Тадқиқотчитомонидан XX-асрнинг 60-йилларидаолиб борилган изланишлар натижасида палеолит даврини ўрганишда бир қатор аҳамиятли ўзгаришлар содир бўлди:

- Оби-Рахмат ёдгорлиги археологик жиҳатдан тадқиқ этилиб, ёдгорлик маданиятининг шаклланиши, ривожланиши ва генезиси масалалари тўлиқ асослаб берилди;

- Оби-Рахмат ёдгорлиги топилмалари асосида бутун Ўрта Осиё ўрта палеолит даври маданиятлари маданий-даврий жиҳатдан таснифланиб уларнинг ривожланиш босқичлари, худудий ўзига хослиги муаммолари ечими бўйича таклифлар берилди;

- Оби-Рахмат ва Ангиллак ғор-маконидан топилган антропологик топилма асосида антропогенез муаммолари, қадимги популяцияларнинг миграцияси ва ижтимоий-маданий алоқалари масаласида бир қатор илмий фикрлар илгари сурилди;

Умуман хулоса ўрнида айтиш мумкинки 1965-йилларгача бўлган даврда Ўзбекистон худудида палеолит даври ёдгорликларининг географик жойлашуви билан боғлиқ ҳолатгааниқлик киритилди. Дастлаб Я. Ғ. Ғуломов, Г. В. Парфёновлар ва А. П. Окладников тадқиқотлари натижасида Ўзбекистон жанубида палеолит даврига оид ёдгорликлар аниқланди. Кейинчалик юқори Зарафшон воҳасида Д. Н. Лев томонидан шу каби ютуқлар қўлга киритилди. Қизилқум худудида Я. Ғ. Ғуломов ва С. П. Толстов амалга оширган изланишлар неолит даврига оид кўплаб ёдгорликларни аниқлаш имконини берди. 1950-йиллардан кейинги тадқиқотлар эса Тошкент воҳасида ҳам кўплаб палеолит даври ёдгорликларини топиш имконини яратди. Тешиктош ғор-макони, Омонқўтон, Такалिसой ёдгорликлари ўрганилиб, палеолитшунослик соҳасидаги маълум илмий билимлар шаклланди, тош қуроллар техникаси ва типологияси бўйича тажриба ва амалий кўникмалар эгалланади. Маконларни стратиграфик жиҳатдан ўрганиш, тош қуроллар мажмуасини техник-типологик жиҳатдан таснифлаш ва маданиятларга ажратиш ҳамда уларнинг нисбий хронологиясини аниқлаш усуллари яратилди. XX аср 50-йилларининг иккинчи ярми ва 60-йилларнинг бошларидаги тадқиқотлар Тошкент воҳасининг палеолит даври ёдгорликларини ўрганишнинг шаклланиш даврини бошлаб беради. Бу даврда А. П. Окладников, Х. К. Насриддинов, Р. Х. Сулейманов, М. Р. Қосимов ва бошқа тадқиқотчи олимлар томонидан Бўзсув 1, 2, Хўжакент 1,2, Обирахмат, Кўлбулоқ ва бошқа йигирмага яқин ёдгорликларни ўрганиш натижасида палеолит даври тарихига оид кенг қўламли маълумотлар тўпланиб, муҳим ютуқларга эришилди.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Древности Чарвака. Ташкент, "Фан", 1976, -С.8;
2. Исламов У. И. Памятники первобытной культуры Ташкента и его окрестности (памятники эпохи палеолита). // У истоков древней культуры Ташкента. Ташкент "Фан", 1982, -С. 38-43, 60-65.
3. Касымов М. Р. Новое палеолитическое местонахождение близ селения Бричмулла. // Известия АН УзССР, СОИ, 1960, № 3, -С.51-52.
4. Касымов М. Р. Памятники каменного века в долине Ангрена. // ОНУ № 2., Ташкент "Фан" 1967, -С.57-58.
5. Касымов М. Р. Археологические работы в Узбекистане. //АО-1967, Москва, Наука, 1968, -С. 326-327.
6. Касымов М. Р. Палеолитические памятники в верховьях бассейна Чирчика. // Древности Чарвака. Ташкент, "Фан", 1976. -С.19.

7. Касымов М. Р., Растовцев О. М. Мастерские каменного века в долине р. Ангрэн. // ИМКУ., вып. 8, Ташкент “Фан”–1969. -С.21-27.
8. Лев Д.Н. Новые данные по палеолиту Узбекистана. // ТРИИА АН УзССР. Вып. 7, Ташкент, 1955,-С.17-18.
9. Литвинский Б. А., Окладников А. П., Ранов В. А. Древности Кайрак-Кумов. Тр. АН Тадж. ССР, т. XXXIII, 1962, - С. 252-258.
10. Насриддинов Х. К. Разведка следов каменного века в Бостандыкском районе в 1959 г. // ИМКУ. Вып 4. Ташкент, “Фан” 1963, С.68-75.
11. Насриддинов Х.К. Грот Обирахмат. // ИМКУ. Вып. 5, Ташкент, «Фан» 1964. С.21-27. (икки марта келган)
12. Насриддинов Х.К. Пещера Акташ-палеолитическая стоянка под Ташкентом. // ОНУ. №6, Ташкент, “Фан” 1963,-С. 55.
13. Окладников А. П., Исламов О. И. Палеолитические находки в урочище Шуралисай (Бузсу-2) ИМКУ. Вып. 2, Ташкент, “Фан”, 1961 С.51-60.
14. Сулейманов Р.Х. Статистический изучение грота Обирахмат. Ташкент “Фан”, 1972. –С.28-73.
15. Ташкенбаев Н. Т. Находки материалов каменного века на территории строительства Чарвакской ГЭС, ОНУ,1968, № 6,-С. 63;
16. Ташкенбаев Н.Т. О морфологических признаках каракамышского палеолитического материала. // ИМКУ. Вып. №8. Ташкент “Фан”, 1969. С.11-15.
17. Шишкин В. А. Сорок лет советской археологии в Узбекистане (1924-1964). //ИМКУ. 1966., С. 10.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).